# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 10 (8.594) ◆ 1995 йил 23 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакилларини қабул қилди.

Ислом Каримов германиялик ишбилармонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, дунёга машҳур «Тиссен» концерни билан нефть ва газ, тоғ-кон саноати ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини айтди.Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Ханс Грубер самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг бир неча вазирлик ва муассасалари вакиллари билан оғир саноат, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид музокаралари самарали бўлганини айтди. У ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳам германиялик тадбиркорлар каби синчков ва омилкор эканини қайд этиб, бу келгуси режаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.Султонов, Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАҲМУД УСМОНОВга

Қадрли Маҳмуд ота!

Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури — ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келяпсиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумҳуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб муҳташам кошоналарга афсонавий ҳусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради.

Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариғ тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойитмоқдалар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳамиша юксак тақдирланиб келди. Давлат мукофотларининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз.

Қадрли Маҳмуд ота!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир.

Сизни муборак ёшингиз билан самимий қутлайман! Сизга сиҳат-саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўйсафидлик гаштини суринг, омон бўлинг!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.**



Кийим тикилишидан олдин, ўлчамнинг аниқ бўлишини яхши тушуниб етган «Малика» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-корхонанинг бичув цехи ишчилари сифатли маҳсулотлари билан харидорлар олқишига сазовор бўлишмоқда. Ушбу суратда жамоанинг моҳир бичувчиларидан (ўнгдан чапга) Рустам Ниёзов, Шоҳиста Бобожонова, Люда Барилова, Лола Усмонова, Дилфуза Юнусовалар тасвирланган. Улар янги бичилаётган моделнинг биринчи нусхасини ана шундай бамаслаҳат амалга оширишади.

Козим Ўлмасов олган сурат.

## Бугунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Жаҳон банки Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича III департаменти директори Юкон Хуанг энг эзгу тилаклар изҳор этилган миннатдорчилик мактуби йўллади.

❑ Тошкентда ғалла етиштиришни кўпайтириш ва хўжаликларни келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғ билан таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

❑ Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссияси вакиллари иштирокида Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётига бағишланган халқаро семинар бўлди.

❑ Ўзбекистон ўрмон хўжалиги қўмитасида республика ўрмон хўжалиги ходимларининг анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов кириш сўзи билан очди. Семинар-кенгашда терак ва шунга ўхшаш тез ўсувчи дарахтларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича сўз борди.

❑ Тошкент Давлат техника университетида «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда сўзга чиққанлар ўтиш даврининг беш тамойили хусусиятлари ҳақида гапирдилар.

❑ Нукусдаги энг йирик 19-автобус саройи барча шаҳар, туманлараро ва вилоятлараро йўналишлар бўйлаб аҳолига автобус хизмати кўрсатади. Куни кеча у уй тўйини нишонлади. Бу ерда 270 машина сиғадиган янги сарой фойдаланишга топширилди.

❑ Наманганда «Аснам — текстиль» номли очиқ турдаги ҳиссадорлик қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг низом жамғармаси 7 миллион Америка доллари миқдорида бўлиб, у «Астоп» (Туркия) ва Ўзбекистон томонига тегишлидир.

❑ Уйчи туманида йўлларнинг равон бўлиши йўлида хайрли қадам қўйилди. Бу ерда асфальт заводи фойдаланишга топширилди. Корхонанинг қуввати бир сменада 175 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга етади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Тверь вилояти ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан вилоят аҳлига табрикнома йўллади.

❑ Уфа шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ мусулмонларининг фавқулодда қурултойи Чеченистондаги тангликни бартараф этиш йўлида барча саъй-ҳаракатлар кўрсатишни Россия раҳбариятига таклиф этди.

❑ Халқаро Қизил Хоч Комитети жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Чеченистондаги операцияларни молиявий жиҳатдан таъминлашда ёрдам кўрсатишини сўради. Бу операцияларнинг қиймати 43 миллион доллардан иборат.

❑ Украина Президенти Леонид Кучма шу ҳафтада Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашади.

❑ Ўз иш ҳақларини тўлашни талаб этаётган Қарағанда кончиларининг иш ташлаши давом этмоқда.

❑ Россия Федерациясининг Федерация Кенгаши Чеченистондаги қуролли можаро пайтида зарар кўрган Россия Федерацияси фуқароларини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида федерал қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни ҳукуматга топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳужжат 1 майга қадар тайёрланиши керак.

❑ Арманистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида асосан чет эл кредитлари негизидаги бюджет қабул қилинди.

❑ Чеченистонга боришдан бош тортган Братск шаҳри ОМОНи тўлалигича қуролсизлантирилди ва тарқатиб юборилди.

### ХОРИЖДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги делегацияси Исломободга ташриф буюрди.

❑ Литва ташқи ишлар вазири Россияга ўз қўшинларини Калининграддан Литва ҳудуди орқали олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи берилганлигини айтди.

❑ Франция Бош вазири Эдуард Баладюр бўлажак президентлик сайловларида Президент лавозими учун курашиш режасида эканлигини айтди. Сайловлар икки босқичда 23 апрелдан 17 майгача ўтказилади.

❑ Ҳиндистон ва АҚШ энергетиканинг бир қанча соҳаларида ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб олдилар. Нью-Деҳлида олиб борилган икки томонлама музокаралар пайтида ана шундай битимга келинди.

❑ Жазоир бўйлаб бир қанча қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилди. Мухолифатдаги қуролли гуруҳлар ҳукуматнинг улар билан музокаралар олиб боришга рози бўлмаганлиги учун ана шундай ҳаракатлар қилдилар.

## УСТАНИНГ БАХТИ

Машҳур ганчкор уста, Ўзбекистон халқ рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмонов 85 ёшга тўлди. Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ана шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Маҳмуд ота Усмоновга табаррук ёши билан қутлаб йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Тадбирнинг мазкур саройда ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Бинога ишланган ранго-ранг нақшлар уста ва унинг шогирдлари меҳнати маҳсулидир. Шунингдек, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларда, метро бекатларида, мамлакатимиздаги бошқа кўплаб биноларда ота қўлларининг нурли изи бор.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Маҳмуд Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати, бетакрор санъати муносиб тақдирланди. У мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотларига сазовор бўлди.

Маҳмуд отанинг тантанада сўзга чиққан дўстлари, шогирдлари, санъат мухлислари уни қутлуғ кун билан муборакбод этиб, эл-юрт олдидаги улкан хизмати, меҳнат билан топган иззати — устанинг бахтидан сўзладилар.

(ЎзА)

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ёшлар Иттифоқи Ҳамза тумани қўмитаси қошидаги «Дўстлик» клуби Олима Қурбонованинг ташаббуси билан 1991 йилда ташкил этилган. Клубнинг асосий мақсадларидан бири бутун жаҳон болалари ўртасидаги дўстлик ва тинчлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Унинг пойтахтимиз мактабларидан юзга яқин аъзоси бўлиб, ташкил этилганидан буён бир қанча халқаро фестивалларда иштирок этган. Бугунги кунга келиб, «Дўстлик» клуби дунёнинг деярли барча давлатлари билан дўстона ёзишмалар олиб бормоқда. Ғалабанинг 50 йиллик байрами арафасида клуб 1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида кўплаб тарихий ҳужжатлар, маълумотлар тўплаш ишларини олиб бормоқда.

Куни-кеча Ҳамза туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида «Дўстлик» клуби ташкил этилганининг 4 йиллигига бағишлаб тантанали кеча ўтказилди. Унда туман ҳокими ўринбосари Баҳодир Садриддинов клубга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширди. Шундан сўнг турли ҳаваскорлик жамоалари, «Ситора» ашула ва рақс гуруҳи ўзининг бадиий чиқишлари билан меҳмонларни хушнуд этди.

Назира УМАРОВА.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Агрегат заводи ишчи-хизматчилари ўтган йилга нисбатан бу йил ҳам кўпроқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда. Ҳозирги кунда тайёрланаётган эҳтиёжга молик маҳсулотлар сифатлилиги ва харидоргирлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам корхона жамоаси энг зарур бўлган маҳсулотлардан темир шкаф, темир эшиклар учун қулфлар, хуллас 50 турдан зиёд халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйганлар.

Гулнора САЪДУЛЛАЕВА.

### ЭСКИ ШАҲАРНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Йўллар текис ва равон бўлса қандай яхши! Шаҳримиздаги кўпгина йўллар ҳам сифат даражасига қўйиладиган талаблар бўйича ижобий баҳоланади. Бунинг учун эса «Тошкент ободончилиги» деб номланган махсус йўл қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассис хизматчилари муносиб ҳисса қўшаяптилар. Бирлашма таркибига бугунги кунда «Равон», «Шаҳристон», «Субҳидам», «Жавоҳир» каби бир қанча йўл қурилиши корхоналари киради. Уларнинг самарали меҳнатларининг маҳсули сифатида Абдулла Қодирий, Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон ва бошқа кўпгина кўчалардаги равон йўлларни кўрсатиш мумкин.

Айни вақтда «Тошкент ободончилиги» жамоаси Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод қилиш режасига биноан, бу ердаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиш учун бел боғлаганлар. Йўлсозлар Эски шаҳарга янгича чирой бахш этиш йўлида бор имконият ва маҳоратларини намойиш этиш ниятидалар. Йўллар четидаги яшил иҳота буталари, пиёдалар учун бетон йўлаклар қурилиши мўлжалланган. Йўллар учун бетон плиталарни эса Қўйлиқдаги темир-бетон буюмлари корхонаси етказиб беришни ўз зиммасига олди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

### ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИЛАЯПТИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 426-болалар боғчасининг жамоаси ўз олдига соғлом, ҳар томонлама етук болаларни камол топтиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Бу масканда олиб борилаётган барча йўналишдаги таълим-тарбия ишлари ва киритилаётган янгиликлар диққатга сазовордир.

Нутқида камчилиги бор болалар учун махсус гуруҳ очилган бўлиб, компьютер синфлари ташкил этилган. Инглиз тили чуқур ўргатиладиган лицей гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Диққатга сазовор жойи, бу ерда махсус дастур асосида ўқитилади. Кичкинтойлар рангли расмлар, кўргазмали қуроллар ёрдамида, ўйин, эртак тарзида ўргатиб борилади. Беш ёшли болаларга қисқа-қисқа шеърлар ва асарлардан парчалар ёдлатилади. Олти ёшдан бошлаб эса ҳарфларни ёзиш, сўзларни ўқиш бўйича машғулотлар ўтилади. Инглиз тилида математика ва мусиқадан машғулотлар ҳам дастурдан ўрин олган.

Боғча мудираси Мастура Мусаева ва тарбиячи Анна Асраева биргаликда қўлланилаётган услублар асосида «Болалар боғчаларида инглиз тилини ўргатиш» деб номланган услубий қўлланмани ёзиб тугатдилар. Бу қўлланма республика ўқитувчилари услубий кенгаши томонидан юқори баҳоланди.

Дилфуза ЗОКИРОВА.

Президент Фармони — амалда

## Тадбиркорга омад ёр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинганига бир йил тўлди. Ушбу ҳужжат чиндан ҳам, республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш, бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш йўлида муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Қуйида эълон қилинаётган мақолада пойтахтимизда ушбу тарихий ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган амалий ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.*

### ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Бундан бир-икки йил муқаддам шаҳримизда, қолаверса республикамизда шахсий ёки кичик корхоналарни ташкил этиш борасида бирмунча чекланишлар, аниқроғи ўзига хос тўсиқлар мавжуд эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январда қабул қилган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бундай тўсиқларга ғов қўйди. Шундан кейин ўз кучига ва маҳоратига ишонган тадбиркорлар енг шимариб ишга киришиб кетдилар. Хусусан «Дўстлик» ишлаб чиқариш ассоциациясига қарашли «Ғоффор» фирмасининг бош раҳбари Ғоффор Азимовни ҳам шундайлар жумласига киритиш мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда чоп этилган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бизга янада катта куч ва мадад бахш этди,— дейди Ғоффор Азимов.— Унинг ҳар бир банди хусусий мулк эгаларининг иш юритиши йўлида дастуруламалдир. Айниқса Фармоннинг 6-бандида: «...Хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сони бўйича амалдаги чеклашлар бекор қилинсин», деб таъкидланишининг ўзи ҳам дастлабки ютуқнинг бир дебочасидир. Бундай дейишимга сабаб шу кунга қадар ишлаётган ишчиларимиз сонини 130 кишидан орттира олмас эдик. Агар шу рақамдан ошса, солиқ тўлаш миқдори ҳам ошириб юбориларди.

— Аниқроқ қилиб айтиш мумкинми?

— Аниғини санаб ўтадиган бўлсам, улар 8 турдан иборат. Яъни автомашина хизмати, гилам тўқиш, ип йигириш, пойабзал, трикотаж, тижорат, қурилиш, лимон етиштириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Хивадаги гилам комбинати билан ҳамкорликда иш тутиб, улар тажрибасидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Ўрнатилган иккита дастгоҳда шу кунгача 10 нафар ишчи мустақил гилам тўқиш сирларини ўрганиб олди. Хом ашёни эса тузилган шартномага кўра Навоий азот корхонасидан оламиз. Ҳозирги кунда бир кунда 60 квадрат метр йўлаклар учун гиламлар тўқиб чиқармоқдамиз. Маҳсулотимизнинг мана шу турига талаб юқори бўлаётир. 1 тоннага яқин 3 хил турдаги ип йигирилиб, шаҳримиз ва республикамиз аҳолисига жўнатилмоқда. Гилам цехида иш уч сменада, ип йигирув цехида эса икки сменада ташкил этилган. Ишчилар учун тушликда бепул иссиқ овқат уюштирамиз. Олаётган маошлари 800 сўмдан 1200 сўмгача бўлиб, бунда ҳақ тўлаш маҳсулот сифатига ҳам боғлиқдир.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бугунги кунда оз бўлсада эришган ютуқларимиз кечаю кундуз тинмай изланишларимиз самараси деб биламан. Шунинг учун республикамиз ички бозорини тўлдириш мақсадида халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни ёки яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб четдан халққа керакли бўлган хом ашё, ёғоч, тахта келтиришни ривожлантиряпмиз. Бунинг учун бизда имконият бор. Ўзбек-қозоқ қўшма тижорат корхонаси тузиш тўғрисида рухсатномага эга бўлдик. Уни Жамбул шаҳридаги «Алмас» ҳиссадорлик жамияти билан тузаяпмиз. Покистонлик тадбиркорлар билан ҳам «Табани» сингари қўшма корхона тузиш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда. Шунингдек «Хадра» майдонидан ўз маблағимиз ҳисобига қурилаётган уч қаватли шахсий дўконимиз йил охирига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланяпти. Паркентдаги филиалимиз орқали ер ололсак, чорвачилик ва боғдорчиликни ҳам ривожлантириш ниятимиз бор.

Тадбиркорликка, хусусий мулк эгасига жадал меҳнат қилиши учун кенг имкониятлар яратилдими, демак енг шимариб ишлаш керак. Ана шундагина ички бозоримиз ўзимизнинг арзон маҳсулотларимизга тўла бўлади.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА қизи.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов «Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариладиган моллар экспортини кенгайтириш, чет эл инвестицияларини Тошкент шаҳар иқтисодига жалб қилиш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шаҳар корхоналаридан ва ташкилотларидан экспортга юбориладиган маҳсулотларнинг сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини ўзгартириш, экспорт бозор конъюнктурасини ва жаҳон бозорида маҳсулотнинг нарҳини ўрганиш мақсадида:

1995 йилда Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари моллар (ишлар, хизматлар) экспорти дастурини ва экспорт потенциалини кенгайтириш, шаҳар иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги чоралари иловалар бўйича тасдиқланди.

1995 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент улгўржи-чакана ярмаркаси ўтказилсин, унга янги корхоналараро алоқаларни йўлга солиш, хом ашё, жиҳозлар ва техник ишлаб чиқариш учун белгиланган маҳсулотларни икки томонга фойдали шартда буюртмалар қўйиб бериш ҳужжатларини шакллантириш вазифалари юклатилди.

Ярмарка ташкилотчиси Тошкент шаҳар халқаро бизнес маркази деб белгиланди.

Ташкилий қўмита таркиби ва ярмаркани тайёрлаш бўйича чоралар илова бўйича тасдиқланди.

Тошкент шаҳар корхоналари ишлаб чиқарадиган экспорт маҳсулотларни ташвиқот қилиш ва маълумотлар банки шаклланиши, мақсадга қаратилган асосда чет эл фирмаларнинг мол ва маҳсулотлар кўргазмаларини ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар халқаро бизнес маркази икки ҳафталик муддатда кўргазма зали тузилиши тўғрисида қарорларини тақдим қилиши белгиланди.

Истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси, Тошкент шаҳар халқаро бизнес маркази «Тошкент-Экспорт имкониятлари» буклети нашр қилинишини таъминлаш;

Молия бош бошқармаси буклет чиқариш бўйича ишларни Тошкент валюта фонди маблағи ҳисобидан тасдиқланган харажат сметаси бўйича молиялаштириши мазкур қарор бўйича белгиланди.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси 1995 йил 25 январда соат 16.00 да шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар хонасида бўлади.

Кенгаш муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1995 йил 18 январдаги кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган шаҳар фаолларининг вазифалари тўғрисида.

— 1995 йил 8 январда қайтадан овоз бериш пайтида сайланган депутатларнинг ваколатларини тан олиш тўғрисида.

— Бошқа масалалар.

Депутатлар соат 15.00 дан рўйхатга олинадилар.

Олий ўқув юртларида

### «КУЁВЛАР ТАНЛОВИ»ДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Университет Ёшлар Иттифоқи қўмитаси таклифига биноан, Муқимий номли ўзбек давлат мусиқали театрининг ижодий жамоаси таниқли драматург Ҳайдар Муҳаммад асари асосида, Р. Азизхўжаев томонидан саҳналаштирилган «Куёвлар танлови» спектаклини талабалар эътиборига ҳавола этди. Куни кеча эса уста санъаткорлар маҳоратидан илҳомланган талабаларнинг ўзлари саҳналаштирган ва ижро этган «Ётоқхона ҳангомалари» номли ҳажвий саҳна асари зийрак ва нозиктаъб томошабинларнинг гулдурос қарсаклари билан олқишланди.

### БИЛАҒОН ТАЛАБАЛАР

Университетнинг 75 йиллик санасига бағишланган «Зиё-95» телевизион танловининг дастлабки сонини тайёрлаш устида қизғин тайёргарлик кетмоқда. Бу галги беллашувда кимё, физика, хорижий филология ва фалсафа факультетларининг ҳозиржавоб талабалари ўзларининг турли соҳалар бўйича қомусий билимларини намойиш этишади. Юқорида айтилган факультетларда фаолият юргизаётган Ёшлар Иттифоқи ташкилоти бўлимларининг етакчилари Абдурашид Ёдгоров, Нурулла Тошбоев, Алишер Юнусовлар талабалар ўртасидан энг билағонларини танлаб олиш учун ётоқхоналарда тез-тез савол-жавоб кечаларини уюштирмоқдалар.

Беҳзод ҲУСАНОВ.

Дилкаш суҳбатлар

# ИНСОН КЎНГЛИ ГУЛДАН НОЗИК

**• "ОҚШОМ"НИНГ БУГУНГИ АЗИЗ МЕҲМОНИ ВА ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИ ОЗОД НАЗАРОВ — 1949 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БОШ АЛЛЕРГОЛОГИ, РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ИХТИСОСЛАШГАН АЛЛЕРГОЛОГИЯ МАРКАЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР, ЕВРОПА АЛЛЕРГОЛОГЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОСИ. ЎЗ СОҲАСИ БЎЙИЧА КЎПЛАБ АДАБИЁТЛАР ВА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР МУАЛЛИФИ. ШВЕЙЦАРИЯ, ТУРКИЯ, ШВЕЦИЯ, АВСТРИЯ, ИТАЛИЯ, ИСПАНИЯ МАМЛАКАТЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНГРЕССЛАРДА ҚАТНАШИБ, МАЪРУЗАЛАР ҚИЛГАН.**



**— Озод Аҳмедович, аллергология марказига кираверишда унинг 1973 йилда ташкил этилганлиги қайд этилган. Бундан кўзланган мақсад аслида нима эди?**

— Аллергик касалликларнинг кундан кунга кўпайиб бораётганлиги нафақат мутахассис шифокорларни, балки кенг халқ оммасини ҳам ўйлантириб қўймоқда. Ҳозирги кунда аҳолининг 20 фоизи аллергик хасталикка чалинганлиги кимни ташвишлантирмайди, дейсиз. Масаланинг ўта зарурий муаммоли томони ҳам шундаки, республикамиз аҳолиси орасида аллергик хасталикка чалиниш ортиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида сўнгги ўн йил ичида текширув натижаларига назар ташласак аллергик хасталикнинг бор-йўғи икки тури бўйича, яъни бронхиал астма ва аллергик дерматит хасталиклари Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах вилоятлари бўйича 65 фоизга кўпайган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра 2000 йилга бориб аллергик хасталиклар руҳий хасталиклардан сўнг 2-ўринни эгаллайди.

Аллергик хасталикларнинг тобора кўпайиб бораётгани туфайли даставвал аллергология бўлими, сўнг эса республика илмий-ихтисослашган аллергология маркази ташкил этилди. Шунга ҳам 22 йил бўлди.

Бу орада марказ нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари, балки бир қатор хорижий давлатлар билан ҳам илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб олди.

**— Юқорида Сиз марказнинг 22 йил мобайнида нуфузи ошиб, унинг илмий алоқалари кенгайганлигини айтиб ўтдингиз. Лекин камтарлик қилиб бир нарсани айтмадингиз. Сиз раҳбарлик қилаётган марказ фаолиятига халқаро Нобель мукофотининг нишондорлари — америкалик А. Пепис ва Жон Йохонсон сингари жаҳон тан олган буюк олимларнинг юқори баҳо берганлиги ўзбек фани, тиббиёт соҳасидаги ютуқлар хорижий элларда ҳам юксак эътироф этилаётганлигига ёрқин бир мисолдир. Бинобарин, мустақилликка эришган республикамизнинг тиббиёт соҳасида амалга оширалаётган ишлари баробарида ўзингиз бошчилик қилаётган аллергология маркази олдида турган энг муҳим вазифа ва муаммолар нималардан иборат деб биласиз?**

— Бизнинг олдимизга қўйган муҳим вазифаларимиз қуйидагилардан иборат: аллергик касалликка чалинган беморларга ихтисослашган юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва шу билан бир қаторда хасталикнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни олиб бориш, республикамизда аллергологик хизмати мавқеини ошириш, аллергологик бўлимлар ва кабинетлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, практик шифокорлар ўртасида клиник аллергология соҳасидаги билим савияларини оширишга имконият яратиш ва шу соҳада илмий изланишлар олиб бориш.

Муаммоларга келсак, энг катта ва муҳим муаммолардан бири — бу аллерген масаласидир. Аллергик хасталикнинг келиб чиқишини ўрганиш ҳамда даволаш ишларини олиб боришда махсус аллергенлардан фойдаланиб, улар илгари Россиянинг бир қатор шаҳарларидан келтирилар эди. Ҳамма ерда бўлгани каби бозор иқтисодиётига ўтиш бизнинг ишимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ҳозир Россиядан бу аллергенларни келтириш мушкул бўлсада, лекин биз қараб турганимиз йўқ. Масалани шу ерда, ўз мустақил Ўзбекистонимиз миқёсида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу жиҳатдан олганда ўтган йили июнь ойида Тошкентда илк бор Марказий Осиё мамлакатлари доирасида хорижий мутахассислар иштирокида ўтказилган аллерголог ва пульмонолог олимларнинг биринчи илмий анжумани катта аҳамият касб этди.

**— Кўпчилик одамлар орасида аллергик касалликларга айтарли эътибор бермаслик ҳоллари мавжуд. Лекин "Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб" деганларидек,бу хасталикка чалинган кишигина унинг нохуш дардлардан бири эканлигини яхши билади. Шу хасталик бўйича мутахассис бўлиб етишишингизга нима туртки бўлган эди?**

— Бу саволингизга жавоб беришдан олдин менинг табобат оламига кириб келишимга сабабчи бўлган, охиратлари тоабад обод бўлсин, раҳматли отам ҳақида икки оғиз сўз айтсам. Мен ўзи асли Сижжакда туғилиб ўсганман. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим эди. Қиш кунлари, совуқ. Шунда отам қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар. Ана ўша кезлари изтиробга тушганларимни эсласам...

Бизда қор қалин ёғади, боиси тоғли туман. Шу боис йўл ёпилиб қолган, шаҳарга келиб-кетишга илож йўқ. У ёғи ўзингизга аён. Отамнинг дард азобидан изтироб чекишлари, уни бизга сездирмасликка ҳаракат қилсалар-да, лекиң уларнинг изтиробли кўзларидан мен дард-алами нақадар зўр эканини сезардим ва у ҳеч қачон кўз ўнгимдан кетмайди... Шунда отам менга бир гапни айтдилар: "Ўқи болам, ўқигин, фақат шифокорликка ўқигин, инсонларни дардидан фориғ қилувчи шифокор бўлиб етишгин..."

Ота васияти амри вожиб бўлдими ёхуд ўша кезлардаги изтиробли нажот кўзлар туртки бўлдими, ҳарқалай шифокор бўлишга аҳд қилдим ва ниятимга етдим.

Энди мутахассислик масаласига келсак, талабалик йилларим амалий машғулот вақтида 7-8 ёшлар чамасидаги бетоб болада астма касалининг кучли хуружи устидан чиқиб қолдим. Бола бечоранинг қийналиб азоб чекканлари, на йиғлай олади, на бақира олади, фақат хириллаб нафас олар, кўкариб кетган эди...

Шу куни уйга келиб астма хасталиги бўйича адабиётларни кўздан кечира туриб, қўлимга профессор М. Я. Студеникиннинг китоби тушиб қолди. Китобда бронхиал астма хасталиги шундай баён этилган эдики, ундаги ҳар бир сатр бояги кўрган бемор боладаги белгиларни эслатар эди.

Қизиқ жойи ҳам шу бўлдики, китобда астма хасталигини кўз илғамас аллақандай жонзотлар чақирар экан...

Бир сўз билан айтганда, мени энди ана шу кўз илғамас дард сабабчиси бўлган жонзот аллергенлар қизиқтирди ва бу қизиқишим кўриб турганингиздек мени шу даражага эриштирди.

**— Кўриниб турибдики, эгаллаган соҳангиз жуда нозик. Бошқа шифокор — айтайлик, терапевт беморга бирор дори белгилаш билан унинг дардини енгиллаштирса, аллергологга у бажарган шундай юмушнинг ўзи камлик қилади. Аллерголог сабр-тоқат билан ўз бемори дардидан ҳар дақиқада хабардор бўлиб туриши керак экан. Масалан, нафас қисиш аллергиясига учраган беморларга хасталик хуруж қилган пайтларда ўзингиз танлаган соҳа кишисидан нақадар фидойилик талаб қилиши хаёлингизга бот-бот келса керак...**

— Менга кўпинча ана шу ва шунга ўхшаш фидойилик ҳақидаги саволни беришганда буюк алломалардан бири айтган ушбу сатрлар ёдимга тушади:

**Шамдек бўл, шамни кўр, куюб қалбу тан,**
**Ўзгалар қалбини этади равшан.**

Ахир ўз танлаган касбингга меҳр қўймасанг, муҳаббат нақли билан касбингни эъзозламасанг, бир сўз билан айтганда, касбингни севмасанг, қандай қилиб бундай шахсдан фидойиликни талаб этишинг мумкин? Аллерголог мутахассис бўлиш учун шифокорнинг илм доираси кенг бўлмоғи даркор. Кафолат бераманки, тор доирада фикрловчи шифокор ҳеч қачон мутахассис аллерголог бўла олмайди. Бунинг учун эса бир қатор фанлар—отоларингология, пульмонология, дерматология ва бир қатор соҳаларни мукаммал билиши, шу соҳада учровчи хасталиклар билан аллергик хасталикларни бир-биридан фарқлай олиши лозим. Бунинг учун эса ўқиш, изланиш ва энг асосийси уқиш лозим.

Гулнинг тикани ҳам бўлганидек, фаннинг ҳам сўқмоқлари бўлади. Унинг мағзини ўқиб олган мутахассис эса ҳеч қачон адашмайди, иккиланмайди. Бу эса касбни севишга ва Сиз айтган фидойиликка олиб келади. Ўз касбини севган шифокоргина ҳақиқий фидойи шифокор бўлади.

**— Бинобарин, жуда тўғри гапни айтдингиз, гул ҳақида ҳам яхши сўз очдингиз. Шу сабаб кўнглимга тугиб юрган гул ҳақидаги бир гапни айтмоқчиман. Дарҳақиқат, ҳеч бир инсон йўқки, чиройли атиргулга завқ билан боқмаган бўлсин. Лекин афсуслар бўлсинки, шу нохуш хасталикни келтирувчи сабаблардан бири — атиргул экан. Демак, унинг ҳиди кимнингдир жонига ҳузур эмас, балки озор келтиради. Шуни мутахассис сифатида қандай изоҳлайсиз? Умуман аллергик касалликларни келтириб чиқарадиган манбалар ҳақида нималар дея оласиз?**

— Аллергик хасталикларни келтириб чиқарувчи сабабчи омилларни тиббий ибора билан айтсак аллергенлар дейилиб, уларнинг турлари жуда хилма-хилдир. Масалан уй чанги, пар ёстиқнинг пари, кутубхона чанги, турли хил ёввойи ва маданий ҳолда ўсимликлар гулининг чанг зарраси, ҳайвонларнинг мўйна ва қазғоқлари, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар, турли хил ҳидлар ва шулар қаторига Сиз айтган атиргул ҳиди, атирнинг ўз ҳиди ва шунга ўхшаш аллергенларни санаб ўтишимиз мумкин. Лекин булар ҳаммаси эмас. Уларнинг тури ҳам, сони ҳам талайгина. Қизиғи шундаки, санаб ўтган аллергенларимизнинг ҳар бири ўзига хасталик турини чақириши мумкин. Шулардан бири нафас сиқишига, масалан астма касалига сабабчи бўлса, иккинчи аллергенимиз танага эшак еми тошириб юборади, учинчиси эса беморни аксиртириб тинкасини қуритса, бошқа бири ҳатто "шок" ҳолатига олиб келиши мумкин. Бир сўз билан айтсак, аллергик хасталикларни келтириб чиқарувчи манбалар бекиёс, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос даволаш тадбир-чоралари мавжуд.

**— Ҳозирги пайтда дунё тиббиёт саноати турли хасталикларни даволайдиган дори-дармонларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Бу — бир томондан яхши. Масаланинг иккинчи бир томони эса марказингизда даволанаётганлар орасида шундай дориларни қабул қилиб, аллергик хасталикларга чалинганлар ҳам анчагина. Шу масалага Сизнинг муносабатингиз қандай? Беморларни шифобахш гиёҳлар билан даволаш масаласига қандай қарайсиз?**

— Маълумингизки, дори билан даволаш ҳозирги кунда табобат олдидаги энг кенг тарқалган даво услубига кириб, даволашнинг энг асосий қисмини эгаллайди. Ҳозир биз XX асрнинг охирида яшаяпмиз. Ҳамма саводхон, ҳамма ўзича шифокор. Бошимиз оғриса анальгин, цитрамон ичамиз, шамолласак пенициллин оламиз, иссиғимиз чиқса аспирин ичамиз ва ҳоказо. Лекин қош қўяман деб, кўз чиқарувчилар эса сон-саноқсиз. Бу ўринда мен халқимизнинг ажойиб бир нақлини келтирмоқчиман. "Ўз билганча даво — бошга бўлур бало", — деб айтишган экан. Марказимизга кунда десам лоф бўлар-у кунора ана шундай ўзбилармон беморлар ташриф буюриб турадилар. Демоқчиманки, дорини ичишсин, лекин албатта шу дорини билиб, мутахассис билан бамаслаҳат ичишса айни муддао бўларди. Дори экан деб, пала-партиш ичиш, айниқса энг хавфлиси — бир гуруҳга мансуб дориларни бараварига ичиш, аллергия чақиришга мойил бир қатор дориларни ўзбилармонлик билан истеъмол этиш оқибати эса дори аллергиясига, аниқроғи, ўткир эшак еми, Квинке шиши, аллергик дерматит, Лайелла синдроми сингари оғир оқибатли хасталикларга олиб келиши муқаррардир.

Гиёҳлар билан даволаш масаласига келсак, бу ҳам жуда яхши, кенг тарқалаётган даволаш усулларидан биридир. Бу соҳада ҳам худди юқорида айтганимиздек, шу гиёҳ дориларнинг ўзи ҳам оғир аллергик хасталикларга олиб келиб қўйиши мумкин. Шунинг учун даволашнинг бу турини ҳам албатта мутахассис билан бамаслаҳат олиб бориш лозим. Эслатиб ўтаманки, ҳеч қачон даволашда ўзбилармонликка йўл қўймаслигимиз даркор. Бир сўз билан айтганда, дорини билиб, сўнг сўраб,ниҳоят синаб ичсак мақсадга мувофиқ бўлади.

**— Кўҳна юртимиз ўтмишда буюк алломалар, ҳакимлар етишиб чиққан юрт. Биргина Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" дунёга нақадар машҳур бўлганлигини эслайлик. Демак, энди мустақиллик шарофати билан шу буюк боболаримизнинг тиббиёт соҳасидаги ишларини давом эттириш фурсати келди...**

— Ҳақ гапни айтдингиз. Ўтган буюк алломаларимизнинг ёзиб қолдирган ноёб асарлари шу кунга қадар токчаларда сарғайиб ётди, бу китобларни ўқиган, ундан фойдаланганлар эскилик сарқитига берилганлар қаторига киритилди, ҳаттоки тарихдан маълумки, уйидан қандай китоб бўлишидан қатъи назар араб алифбосида ёзилган китоб чиққан шахслар узоқ ерларга бадарға ҳам қилинди. Минг марта шукрлар бўлсинки, мана энди у кунлар ўтиб, бир тарихга айланди. Она заминимизда бошқа бир буюк давр — Мустақиллик даври бошланди! Илм аҳли учун илм чашмаларининг барча эшиклари очиқ.

Ўйлайманки, улуғ алломаларимиз қазиб кетган ариқларга қайта сув чиқарсак аввало уларнинг руҳи шод бўларди, қолаверса бу илм чашмаларидан фарзандларимиз, зурриёдларимиз ҳамда келажак авлод баҳраманд бўлади.

**— Сиз дунёнинг бир неча мамлакатларига ижодий сафар билан борган ўзбек олимисиз. Юртимиздан узоқ бўлган кезларингизда кўнглингиздан кечган туйғулар ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзласангиз.**

— Саволингизга ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу тўртлигини келтириш билан жавоб берсам:

**Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,**
**Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,**
**Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,**
**Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.**

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати ила биз ўзбек олимларининг ҳам кўкрагига шамол тегиб, камтарона меҳнатимизни эъзозлаб, дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Швейцария, Туркия, Швеция, Австрия, Италия, Испания сингари давлатларда бўлдим. У ерларда бизни катта ҳурмат-иззат билан кутиб олишди. Ҳамма имтиёзлар муҳайё, ҳеч бир камчилик ёхуд қийинчилик йўқ, лекин барибир она Ватан туйғуси, мустақил Ўзбекистонимизнинг бир сиқим тупроқ иси, киндик қонинг тўкилган Она замин ўзи томон чорлар, ана шу томонга эса мен ошиқардим.

**— Озод Аҳмедович, бугунги мулоқотимизни бежиз "Дилкаш суҳбатлар" деб номламаган эканмиз.Сиз билан суҳбатимиз ушбу фикримизни исботлаб турибди. Бинобарин шундай экан, келинг, икки оғиз шифокор одоби, унинг беморга меҳри ҳақида ҳам сўзлашиб олсак. Чунки шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи, унинг беморга далдасида хосият катта. Шундай эмасми?**

— Мен адабиётчи ёки шоир эмасман, лекин халқ нақлларини жуда севаман, истаймизми-йўқми саволингиз суҳбатимизни яна шундай халқ нақли билан бошлашни тақозо этмоқда.

Халқимизда "Яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга мусулмон динидан чиқади" ёки "Ширин сўз — бутун ризқ" деган ажойиб нақллар борки, уларнинг ҳар бирининг замирида олам-олам маъно ётади ва ўйлайманки, улар биз, табобат олами соҳибларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Бемор шифокор олдига дардига малҳам истаб келади. Лекин ана шу шифокор қай лавозимда бўлмасин ширинсўз бўлмаса, қўпол, дағал муомалали бўлса ёхуд қовоғидан қор ёғиб беморни қабул қилса ундан кимга фойда-ю кимга зиён! Мен юз фоиз кафолат бераманки, бундай шифокордан ҳеч бир бемор нажот топа олмайди.

Шифокорлик касбини эгаллашга аҳд қилиб эгнингга оқ халат кийдингми, бас, эртами-кечми, тунми-кунми, тўйми-ҳашамми, доим хушфеъллик билан бемор қаршисига кулиб кирган шифокорни мен ҳақиқий шифокор деб биламан.

**— Дарҳақиқат, айтиб ўтганингиздек, бемор кўнгли жуда нозик бўлади, вақти келганда у бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўлади. Демак, таъкидлаганингиздек, шифокор учун, умуман инсон учун энг зарур бўлган фазилат — яъни унинг ширин муомаласида ҳикмат катта. Сиз ана шундай хислат соҳибисиз. Беморларни доим очиқ юз билан қабул қиласиз, уларга ширинсуханлик билан муомалада бўласиз. Сир бўлмаса айтинг-чи, бундай самимийликни кимдан ўргангансиз?**

— Самимийлик ҳақида сўз очдингиз. Ана шу бир оғиз сўзнинг тагида жуда катта ҳикмат бор. Буни мен ўзимнинг озми-кўпми мана шу яшаб ўтган ҳаёт фаолиятимда кузатиб ва ўрганиб бораман. Талабалик йилларимни эсласам илк самимийликни ўзида мужассам этган устозларимдан академиклар К. А. Зуфаров, Ў. О. Орипов, профессор Р. Худойбердиевлар ва бошқа ўнлаб ўз касбининг моҳир устаси бўлган зукко, талабчан ва самимий устозлар ҳар дам кўз ўнгимда намоён бўладилар. Илмий фаолиятим даврида эса жаҳонга машҳур олим, академик А. Г. Чугалин сингари камтар, ширинсухан ва самимийлик борасида ягона десам адашмайман олим олдида доимо бош эгсанг арзийди. Мен ўзимдаги бор фазилатларни ана шу юқорида номларини баён этган устозларимдан олганман.

**— Шифокор сифатида, олим сифатида инсон умрини узайтиришнинг сир-асрорлари ҳақида нима дейсиз? Инсонга бир марта бериладиган умрни ҳавас қиладиган тарзда ўтказиш учун нима қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?**

— Инсон узоқ умр кўриши учун аввало унинг руҳи пок бўлмоғи даркор. Руҳ пок бўлди, деган сўз бу аввало ўзини тоза олиб юриши, яъни истеъмол қиладиган озиқ-овқати-ю, кийдиган кийими, бутун танаси, қўйингчи, бир сўз билан айтганда умумий покизаликни назарда тутамиз. Бинобарин, ҳар бир нарсани вақтида бажаришга мойиллик сезилдими, дарҳол уни амалга ошириш даркор. Яна бир гап: кўпчилик биродарларимиз овқатларни, айниқса чойни жуда қайноқ ичадилар ва "Қайноқ ичмасам, чой ичгандек бўлмайман", — деб ҳам қўядиларки, бу ҳам нотўғри фикр. Ҳаддан зиёд қайноқ ичилган овқат, чой инсон сиҳатлигига салбий таъсир қилмай қолмайди.

Сўнгги айтадиган фикрим,бу ҳар бир шахс, ҳар бир инсон борки,асабни асрай билиши даркор.Жуда кўп хасталикларнинг келиб чиқишига инсоннинг асаб тизими қандайлиги сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам бўлар бўлмасга сиқилавермаслик, юракни кенг тутмоқлик, вақтида ухлаб,вақтида дам олиб, вақтида ҳар бир инсон ўз хизматини бажо келтириб,руҳини пок олиб юрса, ўйлайманки, бундай инсоннинг умри албатта узун бўлади.

Инсон умри капалак умридек бир гап. Капалакнинг қаноти ниҳоятда нозик эканлигига ҳеч эътибор берганмисиз. Бир "чирт" этиб узилса,тамом-вассалом. Инсон ҳам шундай. Бинобарин, ҳар бир киши буни асло унутмаслиги керак.Ким бўлишидан қатъи назар ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ширинсуханлик, ширинсўзлик қилиш унинг бурчи бўлмоғи лозим. Беш кунлик дунёда инсондан яхшилик қолиши керакда! Лекин, беш қўл баробар эмас. Бир оғиз сўзи билан киши дилини вайрон қиладиган, унинг юрагига ханжар каби зарба берадиганлар орамизда борлиги афсусланарли ҳолдир.

**— Ҳаёт тун ва кундан иборат бўлгани сингари инсоннинг умри давомида шодликлар сингари ташвишли дамлар ҳам бўлади. Бу — ҳаёт қонуни. Шу ўринда мен Сиздан ўз фаолиятингиз давомида бир умрга эслаб қоладиган дамларингиз ҳақида сўзлаб беришингизни илтимос қилар эдим.**

— Умр-оқар дарё дейдилар, оқади кетади. Худди шу фикрга мисол тариқасида севикли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" романида бир фикр айтилган. Унда янглишмасам шундай дейилади: "Инсонлар борки, ҳаётга келиб умр деворига бир палла ғишт қўйиб кетади, инсонлар борки, ҳаётга келиб ана шу умр деворидаги ғиштдан ақалли биттасини юлиб кетади".

Айтмоқчиманки, инсон ҳаётга бир маротаба келар экан, ўзидан қандайдир яхши ном ёки яхши фарзанд ёхуд кишилар дилида қоладиган яхшилик қолдириб кетса эл-юрт уни бир умрга эслар, бўлмасачи... ундан ўзи асрасин.

Ана шундай ўй-хаёллар билан мана салкам 50 йил яшаб қўйибмиз. Бу давр ичида эсда қолган дамлардан бири илк фарзанд кўрган куним мен учун жуда катта бир шодиёна эди. Қолаверса, номзодлик, сўнг докторлик диссертацияларимни ҳимоя қилган кунларим, яна мен учун энг бахтли кун — оғир хаста беморни ҳаётга қайтариб, унинг бир оғиз "Раҳмат, доктор", — деган сўзи-ю ширин табассумини кўрган дақиқаларим деб биламан. Ахир инсонни ҳаётга қайтаришдан ортиқ бахт бормикин дунёда?..

**— Сиз илмий ихтисослашган марказда, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида кўп вақтингизни сарфлашингизга тўғри келади.Чунки зиммангизга марказ директорлиги ва республиканинг бош аллергологи юмушлари юклатилган. Кўриниб турибдики, вақтингиз жуда зиқ. Лекин барибир ишдан бўш вақтларингиз бўлади. Уни қандай ўтказасиз?**

— Қизиқ савол бердингиз. Бўш вақт, бу нарсанинг тўғрисини айтсам иш жойимда нима эканлигини билмайман, бир дақиқа ҳам тиним йўқ, ўқув, даволаш, илмий, ташкилий ишлар ва ҳоказо.

Бўш вақтни амаллаб уйда топишга ҳаракат қиламан. Бунда биринчи галда мен фарзандлар тарбиясига эътиборимни қаратаман.Чунки улар ўсиб келаётган ниҳол, уни қайси томонга бурсанг, шу томонга эгилади, шу боис ўғилларимнинг ўқиши, қизимнинг иш жараёни ҳақида қизиқаман. "Ойнаи жаҳон"дан кундалик янгиликлар, ахборот, дунё воқеалари менинг энг севимли кўрсатувим ҳисобланса, радио тўлқинларида бериладиган куй ва қўшиқларни тинглаб ҳовли сатҳидаги кичкинагина томорқага экилган экинларни парваришлаш менга завқ беради...

**— Ҳаётда ҳали ушалмаган орзуларингиз ҳам борми?**

— Орзулар... Ким нимани орзу қилмайди дейсиз? Орзуга айб йўқ. Каттами-кичикми, яхши ният — ярим давлат дейдилар. Шулардан айримлари аллергология фани энди атак-чечак қилиб ривожланиб бормоқда, шу билан баробар хасталикнинг сони ва тури ҳам ортиб бормоқда. Илк орзуим хаста диллар бўлмаса дердим. Ўйлаб юрган илмий йўналиш, изланишлар режасини шогирдларимга берсаму ва улар билан самарасини тезроқ ҳаётга тадбиқ этсак. Бир сўз билан айтганда, янги-янги даволаш усулларини жорий этсак. Кейинги ниятим — ўзбек тилида аллергик хасталиклар ва уларнинг янги замонавий даволаш усуллари ҳақида ўқув қўлланмаси ёзсам...

Яна бир катта ниятим—ҳозирги кунда ўз фаолиятимни кўрсатиб келаётган республика илмий-ихтисослашган аллергология марказини илмий ихтисослашган аллергология институти даражасига айлантириш.

Шахсий ҳаётимда эса набирали бўлсаму уни бағримга босиб, кўтариб, эркалатиб юрсам...

**— Ўз шогирдларингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз...**

— Жуда ўринли савол бердингиз. Халқимиз шогирди йўқ, устозни қанотсиз қушга ўхшатадилар. Қуш қанотсиз уча олмаганидек, биз илм аҳли ҳам шогирдсиз бир ўзимиз ҳеч нарса қила олмаймиз. Ўтган 1994 йилда мен ўндан зиёд ёш олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилдим ва улар муваффақият билан ўз ишларини ҳимоя қилдилар. Шундан 3 та илмий иш докторлик ҳимояси ва қолганлари эса номзодлик ҳимояси бўлиб, шу ишларнинг кўпига оппонентлик қилдим. Марказимизда эса раҳбарлигим остида Ф.Бахритдинова номзодлик ишларини ҳимоя қилиб, ҳозирги кунда докторлик илмий ишлари устида изланиш олиб бормоқдалар.

**— Бугунги суҳбатимиз ҳам поёнига етмоқда. "Оқшом" газетаси муштарийлари ушбу суҳбатдан инсон кўнглининг нозик жиҳатлари, Сизнинг соҳангиз бўлмиш аллергик хасталиклар ҳақида, шифокорлик касби ва масъулияти хусусида, қолаверса, ўз соғлиқларига эътибор билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги дил сўзларингизга ошно бўлдилар. Суҳбатимиз сўнгида уларга Сизнинг тилакларингизни билмоқчи эдик.**

— Ҳақиқатан ҳам бугунги суҳбатимиз жуда қизиқарли бўлди, назаримда. Тўғрисини айтсам, Солиҳ ака, Сиз кишини анча ўйлантириб қўядиган кўплаб нозик саволлар бердингиз. Ўйлайманки, уларга баҳоли қудрат жавоб қайтардим. Ўтказган бугунги суҳбатимиздан муҳтарам оқшомхон дўстларимиз баҳраманд бўлиб, тегишли хасталиклар борасида ўзларига бирор янгилик ва керакли маслаҳат ололган бўлсалар мен ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этардим. Энди тилаклар масаласига келсак, энг аввало ҳар бир оқшомхон хонадонида хоҳ оқшом бўлсин, хоҳ эрта тонг бўлсин доимо ва биринчи галда саломатлик, қолаверса, тинчлик, тотувлик, аҳиллик бўлсин, гулдан ҳам нозик бўлган уларнинг кўнгиллари асло озор чекмасин, ҳар бир оқшомхоннинг ҳар бир оқшоми хайрли ўтсин!

**— Мароқли ва дилкаш суҳбатингиз учун ташаккур!**

Ҳамсуҳбат Солиҳ ЁҚУБОВ.

Жой номлари тарихидан

# ЕТТИ ҚИРУ ЕТТИ ЎРДА ЖОЙЛАШГАН

География илмида жой номларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ер юзасидаги жой номлари, фан тили билан айтганда топонимлар сони жуда кўп — бир миллиардга яқинлашиб қолади. Лекин ҳар бир номнинг ўз тарихи бор. Баъзи номлар тарихий воқеаларга боғлиқ бўлса, баъзилари жойнинг табиий хусусиятини билдиради. Яна баъзилари халқ, уруғ, элатлар номи билан боғланган, яна бошқалари эса ўша жойда яшайдиган аҳолининг касб-ҳунари ва бошқа хусусиятларини акс эттиради.

Тошкентни "Етти қиру етти ўрда ўрнашган" деган ибора билан таърифлашади. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Айрим жой номларини эслайлик: Жарариқ, Жаркўча, Чуқурсой, Чуқуркўприк, Ўркўча, Қурбақаобод, Захариқ, Пастак. Булар шаҳар ер сатҳининг паст, сойлик жой номларидир. Олтинтепа, Шўртепа, Кулолтепа, Оқтепа, Ганжтепа, Чивинтепа, Чангалтепа каби жой номлари қир ерларига тўғри келади. Шаҳардаги бинолар, дарахтлар туфайли ернинг баланд-пастлиги унча сезилмайди. Навоий кўчасидаги Анҳор кўприги устидан Чорсу томонга диққат билан назар солсангиз, шаҳримиз ер сатҳининг баланд-пастлигига ишонч ҳосил қиласиз. Қолаверса, қадимда қирлар устига ҳокимларнинг қўрғонлари, мачитлар қурилган. Кесакқўрғон, Оққўрғон, Қўрғонтепа, Баландмачит, Лайлакмачит каби номлар шулар жумласидандир.

Тошкент аслида деҳқончилик қиладиган воҳада жойлашган.

Ободончилик, хўжалик ишларини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чирчиқ дарёсидан жуда кўп ариқлар чиқарилган. Аҳолини сув билан таъминлаш учун қудуқлар қазилган, ҳовузлар бунёд этилган. Шаҳардаги жуда кўп географик жой номлари ана шу иншоотлар билан боғланган. Буларга Бўзариқ, Дамариқ, Зоғариқ, Шопайзиқулоқ, Шомариқ, Тарновбоши, Қумлоқ, Ғиштқўприк, Жўнариқ, Терсариқ, Қорасув, Ширинқудуқ, Каттаҳовуз, Ҳовузлик ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Тошкентда ўсимликлар номи билан боғланган жой номлари ҳам кўп учрайди. Бодомзор, Ўрикзор, Олмазор, Себзор, Қатортол, Қатортерак, Еттитерак, Кўктерак, Яккатут, Қўштут, Каттабоғ, Ёнғоқ, Бешқайрағоч, Мингўрик, Чилонзор, Қорақамиш ва бошқалар. Бу номлардан баъзилари ўсимликлар миқдорини билдиради. Масалан, Қўштут, Еттитерак. Баъзиларида эса миқдор аниқ эмас: масалан Ёнғоқ, Кўктерак, Қоратут. Баъзан якка ёки кам бўлса ҳам ном ҳосил қилаверади. Масалан, Оқ уй деган жойда фақат битта оқланган уй бўлган.

Тошкентда маъносини тушуниш қийин бўлган ғаройиб номлар ҳам учрайди. Шундай номларга Жинкўча, Ўғрикўча, Алвастикўприк, Хотинкўприк, Пуштиҳаммом, Хўжатарашкан каби номлар мисол бўлади. Жинкўча деб жуда ингичка, зим-зиё, одам кам юрадиган кўчага айтишган. Алвастикўприкни икки хил изоҳлашади: бу кўча гўё Али (Ҳазрат Али) қадам босган эмиш. "Али қадам босди" ибораси ўзгариб, Алвасти бўлиб кетган дейишади. Бу изоҳ ҳақиқатга тўғри келмайди. Кўприк тепалар орасида, пастак, бир вақтлар қўрқинчли, одамсиз жойда бўлгандан бу жой алвасти (жин) кўприги деган ном олган. Хотинкўприк уруш вақтида эркаклар урушда бўлиб, аёл киши бошчилигида қурилган экан. Шундан Хотинкўприк номини олган. Хўжатарашкан номли маҳалла Тошкентнинг Себзор даҳасида бўлган. Номи хўжаи Тарозу ишган, яъни "нотўғри тарози ишлатган хўжа" деган ибораданн келиб чиққан.

Пойтахтимиз жуда қадимдан ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Шу боисдан касб-ҳунар билан боғлиқ номлар жуда кўп бўлган. Хусусий ҳунармандчилик ман этилган ва ҳунармандлар таъқиб қилинган 40-50-60 йилларда ҳунармандчилик ва касб билан боғлиқ бўлган жой номларининг кўпи ўзгартириб юборилди. Баъзилари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Дегрез, Тақачи, Эгарчи кабилар. Бундай номлар иложи бўлган жойда тикланса ёмон бўлмасди, тарихдан далолат бериб турарди.

Шаҳримизда кишиларнинг исм-шарифлари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар ҳам кўп учрайди. Амир Темур хиёбони, Бобур, Улуғбек, Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Беруний, Хоразмий каби кўча номлари ҳаммага тушунарли. Лекин Юнусобод мавзеи номини ҳамма ҳам билмайди. Бу жойни нисбатан яқинда 1919 йилда тахтапуллик Юнус исмли косиб келиб ўзлаштира бошлаган. Ер очиб, деҳқончилик қилган. Кейинроқ тахтапуллик кўп оилалар келиб унга қўшилишган, улар ҳам асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Мавзе номи биринчи бўлиб қўриқ очиб, обод қилишни бошлаган Юнус исмли шахс номи билан Юнусобод деб аталадиган бўлган.

Потихкамол ҒУЛОМОВ,
Тошкент Давлат университети география факультетининг географияни ўқитиш услубиёти кафедраси мудири.



Шаҳримизда куни кеча ёққан оппоқ қор дов-дарахтлар, хиёбонларни ўз сепига буркаган эди.

